O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
TO'RTKO'L TUMANI HOKIMLIGI

REPUBLIC OF UZBEKISTAN
REPUBLIC OF KARAKALPAKISTAN
REGION ADMINISTRATION OF TORTKOL

231200, Qoraqalpogiston Respublikasi, To'rtko'l tumani, To'rtko'l ko'chasi 53-uy, Tel:(61) 532-20-47, 532-20-37, Faks: 532-30-40, kans.turtkul@exat.uz

2020 y. «27» 11 № 02-01/1443-1 To'rtko'l tumani

**Қорақалпоғистон
Республикаси Адлия вазири
Мамбеткадыровга**

Тўрткўл тумани ҳокимлиги Сизга, Тўрткўл тумани ҳокимининг 2020 йил кунги "Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида"ги 809-сонли қарорини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 сентябрда 1856-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида"ги Низомга асосан давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда юборилмоқда.

Илова: 1 варақ.

Тумани ҳокими **Р.Шамуратов**

Qaraqalpaqstan Respublikasi' A'dillik ministrligi
KIRIS
№ 14/145
«10» DEC 2020 20 i.

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG`ISTON
RESPUBLIKASI TO’RTKO‘L
TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

O’ZBEKISTAN RESPUBLIKASI
QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI TO’RTKUL
RAYON HA`KIMININ’
S H E’ S H I M I

231200 Qoraqalpog’iston Respublikasi To’rtko‘l tumani To’rtko’l ko’chasi 53 uy
Tel: 532-20-75, 532-20-47, 532-20-37. Faks: 532-30-40

“27” 11 2020 yil № 809 To’rtko’l tumani

Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Туманда йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилиши ва тирбандликнинг ҳосил бўлишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш асосида йўл ҳаракати қоидалари бузилиши профилактикаси, йўл-транспорт ҳодисалари ва йўллар бандлигининг олдини олиш, йўлларни сақлаш ва уларни йўл белгилари, ахборот кўрсатгичларини ўрнатиш, ушбу орқали йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-XII-сонли “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тўрткўл тумани Ички ишлар бўлими (З.И.Заитов)нинг 2020 йил 29 октябрдаги 11/3575-сонли хати инобатга олинсин.

2. Туман ҳудудидаги давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари:

- Тўрткўл тумани ҳудудидан ўтган давлат аҳамиятга эга 4Р 171 б автомобиль йўлининг (Беруний кўчаси) 1 км.нинг чап томонига (Тўрткўл автошоҳ бекати олдига) 3.27 (1 дона);
- Тўрткўл тумани ҳудудидан ўтган давлат аҳамиятга эга 4Р 171 б автомобиль йўлининг (Беруний кўчаси) 2.2 км.нинг ўнг томонига (туман прокуратурасининг эски биноси олдига) 3.27 (1 дона);
- Тўрткўл тумани ҳудудидан ўтган давлат аҳамиятга эга 4Р 171 б автомобиль йўлининг (Беруний кўчаси) 2.5 км.нинг ўнг ва чап томонига (туман ИИБ маъмурий биноси олдига) 3.27 (3 дона);
- Тўрткўл тумани ҳудудидан ўтган давлат аҳамиятга эга 4Р 171 б автомобиль йўлининг (Беруний кўчаси) 4-5.5 км.нинг жануб ва шимол томонига (Тўрткўл туман деҳкон ва буюм бозори олдига) ўнг томонига 3.27 (7 дона), чап томонига 3.27 (7дона);

- Тўрткўл тумани ҳудудидан ўтган маҳаллий аҳамиятга эга 4Н101 “Тўрткўл туманидан – Ш.Рашидов ДФХ”га автомобиль йўлининг (Нукус кўчаси) 2 км.га (туман Тиббиёт бирлашмаси биноси олдига) ўнг томонига 3.27 (2 дона);

- Тўрткўл тумани Тўрткўл кўчаси 2.5 км.нинг шимол томонига (туман ҳокимлиги биноси олдига) 3.27 (1 дона);

- Тўрткўл тумани Тўрткўл кўчаси 2.6 км.нинг жануб томонига (ЖИБ Тўрткўл туман суди биноси олдига) 3.27 (1дона);

- Тўрткўл тумани Ватанпарвар кўчаси 1.0 км.нинг шарқ ва ғарб томонига 3.27 (2 дона).

Юқорида келтирилган 3.27 “тўхташ тақиқланади” деб белгиланган йўл белгилари ва йўл ҳаракати қоидаларининг 7.5.4 “қўшимча аҳборот ишора” йўл белгиси билан қўшиб ўрнатилсин.

3. Туман ИИБ ЙХХБ (Д.Шарипов), Тўрткўл ТЙФУК (М.Гудурсунбаев), туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Юсупов) ваколатлари доирасида келишув асосида йўл белгиларини меъёрий хужжатларда кўрсатилган кўринишда, баландликда ўрнатилишини таъминлаш, йўлларни сақлаш ва уларни йўл белгилари, ахборот кўрсатгичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа воситалари билан жиҳозлаш бўйича ўрнатилган талабларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари У.Матназаров зиммасига юклатилсин.

Тумани ҳокими **Р.Шамуратов**